

УЎК. 636.082.638.24

**ЁЗ МАВСУМИДА ҚУРТХОНДА ТУТ ИПАК ҚУРТЛАРИНИ
ХАРОРАТ ВА НАМЛИКНИ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН
ҚУРИЛМАЛАРДА ПАРВАРИШЛАНГАНДА БИОЛОГИК ВА
МАҲСУЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ**

Рўзиев Алишер Холиёрович

ТДАУ

таянч докторанти

Ражабов Нарзулла Оролович,

ТДАУ

Доцент

Рўзиева Мохинур Иброхимжон кизи

ИИТИ

Стажёр-тадқиқотчи

Аннотация

Ушбу мақолада тут ипак қуртларининг биологик ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари ёз мавсумида икки хил усулларда ипак қуртларини парваришлаб таҳлил қилинганда қуртларнинг ҳаётчанлиги, касаллик фоизи, пилла вазни, пилла қобиғини вазни ва ипакчанлиги каби кўрсаткичлари анъанавий усулга нисбатан автоматлаштирилган қурилмада парваришланган ипак қуртларининг шу кўрсаткичлари юқори бўлганлиги аниқланди.

Аннотация

В данной статье проанализированы биологические и продуктивные показатели тутового шелкопряда в летний период, при двух разных способах ухода за тутовым шелкопрядом и установлено, что такие показатели, как жизнеспособность гусениц, процент заболеваемости, масса кокона, масса оболочки кокона и шелковистость были выше, чем у шелковичных гусениц, за которыми ухаживают в автоматизированном устройстве по сравнению с традиционным методом.



Annotation

This article analyzed the biological and productive indicators of the silkworm in the summer with two different ways of caring for the silkworm and found that such indicators as the viability of worms, the percentage of disease, cocoon weight, cocoon shell weight and silkiness were higher. than silkworms that are cared for in an automated device compared to the traditional method.

Калит сўзлар: ипак курти, ҳаётчанлик, касаллик фоизи, пилла, пилла қобиғи, ипакчанлик, усул, автоматлаштирилган, анънавий.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 12-январьдаги ПҚ-3472-сонли “Республикада ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида тўғрисида”даги қарорида Мамлакат мустақиллигига эришилгандан кейин ипакчилик тармоғида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни шакллантиришга, янги корхоналар қуриш ва мавжудларини модернизациялашга, жаҳон бозорида харидоргир ва рақобатдош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва уларнинг турларини кўпайтиришга қаратилган кенг кўламли таркибий ўзгартиришлар амалга оширилди.

Ипакчилик тармоғини янада ислох қилишни таъминлаш, ипакчилик саноатини модернизациялаш, диверсификациялаш ва жадал ривожлантириш жараёнларини фаоллаштириш, пиллани чуқур қайта ишлаш негизида ташқи бозорда барқарор талаб қилинаётган, рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва товарлар турини кенгайтириш, шунингдек, тармоқни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш мақсадида ишлаб олиб борилмоқда.

Ш.Умаров томонидан ёз мавсумида боқилган тут ипак куртлари зот ва дурагайларида тажриба олиб борган. Тадқиқотлар 2 та вариантда ёз мавсумида амалга оширган. Тут ипак куртлари биринчи вариантда

карбамиднинг сувдаги 0,5 % ли эритмаси оч пушти рангдаги марганцовка эритмасида намланган барг билан озиклантирилди. Ёз мавсумида тут ипак куртларни боқишнинг насли пиллалар улушини жумладан Марҳамат, Орзу, Асака ва Юлдуз зотлари ўртача кўрсаткичини 12,5 фоизга, элита дурагайларида 14,2 фоизга юқори бўлишини аниқлаган.

У. Данияров, А. Сувоновалар фикрича такрорий тут ипак курт боқиш учун дурагайларни танлашда бивольтин зотлари ҳамда дурагайлари такрорий курт боқиш даврига чидамли ҳисобланишини айтганлар. Такрорий курт боқиш даврида боқилган зот ва дурагайларини биологик кўрсаткичларига келадиган бўлсак ЎзИИТИ-9 х ТошДАУ-112 дурагайида 89,6 фоиз уруғнинг жонланиши, 95,6 фоиз яшовчанлиги, 1,63 г пилла оғирлиги, 363 мг пилла қобиғи оғирлиги ҳамда 22,3 фоиз пилланинг ипакчанлиги аниқлаганлар.

У.Т. Данияров, А.Д.Сувонованинг ўтказган тажрибаларида такрорий курт боқиш учун ипак куртлари дурагайларини танлаш ва боқиш агротехикаси бўйича тадқиқотлар олиб борганлар. Такрорий курт боқиш учун ТошДАУ 112 х ЎзИИТИ 9 дурагайларнинг тухум жонланиши 89,9 фоиз, куртларнинг ҳаётчанлиги 94,2 фоиз, пилла оғирлиги 1,57, пилла қобиқ вазни 358 мг, ипакчанлиги 22,8 фоиз ташкил қилган. Жумладан ЎзИИТИ 9 х ТошДАУ 112 дурагайида тухумларнинг жонланиши 89,6 фоиз, куртларнинг ҳаётчанлиги 95,6 фоиз, пилла вазни 1,63 гр, пилла қобиқ оғирлиги 363 мг, ипакчанлиги 22,3 фоиз бўлганлигини айтиб ўтганлар.

Тадқиқот материаллари ва услубиёти: Тадқиқотларимизни ипакчилик илмий тадқиқот институтидаги “Тут селекцияси ва агротехикаси лабораторияси” да олиб бордик. Тут ипак куртининг JingsonНаоуе хориж дурагайи 250 донадан 3 қайтаришда олинди. Ипак куртларини икки хил усулда яъни автоматлаштирилган қурилмаларда ва Анъанавий усулларда парваришланди. Тажриба вариантларида тут ипак куртларини қуртхонанинг ҳарорати, намлиги ҳамда озикланиш майдони меъёрида бўлган холда парваришланди.

Тадқиқотнинг натижалари ва уларнинг муҳокамаси: Тадқиқотнинг асосий мақсади ёз мавсумида тут ипак қуртларининг ҳаётчанлиги, касаллик фоизи, пилла вазни, пилла қобиғи вазни ва ипакчанлиги ўрганилиб JingsonHaoyue дурагайи танлаб олинди.

1-жадвал

Ёз мавсумида тут ипак қуртларини биологик ва маҳсулдорлик кўрсаткичларини аниқлаш (2021- йил)

№	Зот ва дурагайлар номи	Тут ипак қуртларининг ҳаётчанлик кўрсаткичлари, $\bar{X} \pm S\bar{X}$, %	Тут ипак қуртларини касаллик фоизи, $\bar{X} \pm S\bar{X}$, %	Пилла вазни, г $\bar{X} \pm S\bar{X}$, %	Пилла қобиғи вазни, мг $\bar{X} \pm S\bar{X}$, %	Ипакчанлик, $\bar{X} \pm S\bar{X}$, %
Автоматлаштирилган қурилмадан фойдаланилганда						
1	JingsonHaoyue	83,0	1,9	1,5	310	21,0
		85,6	2,2	1,47	320	22,0
		84,0	0,9	1,45	294	20,2
Ўртача		84,2±0,76	1,6±0,40	1,47±0,01	310±0,07	21,1±0,52
Анъанавий усулда парваришланганда						
2	JingsonHaoyue	81,0	1,5	1,34	270	20,1
		80,0	1,9	1,345	270	20,0
		78,4	2,4	1,34	280	21,0
Ўртача		80±0,76	1,9±0,63	1,34±0,002	270±0,004	20,4±0,32

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики автоматлаштирилган қурилмаларда парваришланган JingsonHaoyue дурагайида ипак қурти ҳаётчанлиги 84,2 %, касаллик фоизи 1,6%, пилла вазни 1,47 гр, пилла қобиғи вазни 310 мг, ипакчанлиги эса 21,1 % бўлган. Анъанавий усулда эса бу

дурагайни ҳаётчанлиги 80 %, касаллик фоизи 1,9 %, пилла вазни 1,34 гр, пилла қобиғи вазни 270 мг, ипакчанлиги 20,4 % ни ташкил этди. Юқоридагилардан кўриниб турибдики Анъанавий усулга нисбатан автоматлаштирилган қурилмада парваришланган тут ипак қуртларининг шу кўрсаткичлари юқори чиққанлигини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Умаров Ш. Ипак қурти ёзда боқилса. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Тошкент, 2006. -№5. -31-б.
2. Данияров У, Сувонова А. Тут ипак қуртини такрорий боқиш учун дурагайлари танлаш ва боқиш агротехникаси. // Чорвачилик ва наслчилик иши. Тошкент, 2020.-№6. (17).-44-46-б.
3. Данияров У.Т, Сувонова А.Д. Тут ипак қуртини такрорий боқиш учун дурагайлари танлаш ва унинг боқиш агротехникаси. // Чорвачилик ва наслчилик иши. Тошкент, 2021.-№6. (17).-44-46-б.
4. www.lex.uz

